

ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ҲАМДА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.12186502>

Абдилхамедов Аббос Абилатибович,

Тошкент вилояти ИИББ ЖХХ Пробатция бошқармаси бўлим бошлиғи,
подполковник Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти мустақил

тадқиқотчиси

Tel.(99) 250 10 01

АННОТАЦИЯ

Ёшлар ҳуқуқбузарликларининг сабаб ва шароитлари, ёшларниң ўзига хос хусусиятлари, уларга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамда уларни бартараф этиши борасидаги тавсиялар ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Ички ишилар органлари, ёшлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, хориж, вояга етмаган, профилактика, уюшмаган ёшлар.

АННОТАЦИЯ

Выделены причины и условия молодежной преступности, особенности молодежи, факторы, негативно влияющие на нее, и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: внутренние дела, молодежь, правонарушения, преступность, иностранная, несовершеннолетняя, профилактика, неорганизованная молодежь.

ANNOTATION

The causes and conditions of youth crime, characteristics of youth, factors that negatively affect them, and recommendations for their elimination are highlighted.

Key words: internal affairs, youth, offenses, crime, foreign, minors, prevention, unorganized youth.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бўлиб, ҳукукий демократик давлат тараққиётининг ривожи ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга

етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва хуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади.

ASOSIY QISM. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимииз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”[1]-деб тақидлаб, вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларни Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи шахс сифатида етиштириш муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат мамлакатнинг келажагини белгиловчи ёшлар ва вояга етмаганларнинг комил инсон қилиб тарбиялашда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, уларга сифатли билим бериш ва уларни илм-маърифатли инсон бўлиб шаклланишларига, энг аввало, Конституцияни яхши билиши, ундаги нормаларни ўрганиши, ўзининг хуқуки, бурчи ва мажбуриятларини тўла англаши ва уларни ҳаётда қўллай олишига, ёшларнинг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини юксалтиришига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг келажакка ишончини янада мустахкамлаш давлат ривожида муҳим аҳамият касб этади.[2]

Шу ўринда, Туркистон маърифатпарвари, мутафаккир, педагог ва ахлоқшунос Абдулла Авлоний: “ўгай тарбиядан” кўра миллий тарбиямиз усууларини янгилашни афзал билади ва ўз даврини “Тарбиянинг замони – тарбиянинг айни вақти” деб атайди. Унинг бу борадаги қарашлари ҳануз ўз кучини йўқотганмаганлигини, тарбия–ҳозир ҳам жамият учун долзарб муаммо эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида Абдулла Авлоний: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт–ё мамот, ё нажот–ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” [3]-деб таъкидлаб ўтиб, оила ва ундаги тарбия ҳар бир ёш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муҳим тамойиллардан бири эканлигини, тарбиянинг вояга етмаганларнинг хуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя қилишини таъминлашда, шунингдек, улар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтган.

Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, ахолининг хуқукий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, нотинч оиласлар фарзандлари, ёшлар ва уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият“ таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси“ каби долзарб вазифалар назарда тутилган.

Бу эса, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, хуқуқбузарликларни барвакт аниқлаш содир этилган жиноятларни иссиқ изида фош этишни тақозо этади.

Бугунги кунда худудларда содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги хуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласидиган омиллар оиласдаги мухит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай хуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиласдаги носоғлом ижтимоий-рухий мухит мухим рол ўйнайди. Маълумки, ҳар қандай хуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оиласда шакланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда мухим аҳамият касб этади.

Ёшлар ўртасида назоратсизликни олдини олиш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш асосида хуқуқбузарликларнинг барвакт олдини олишнинг таъсиран тизимини яратиш, жамиятда хуқукий маданиятни юксалтириш, ёшлар билан олиб бориладиган профилактик ишларни мувофиқлаштириш, уларни уюштиришнинг замонавий ташкилий-хуқукий механизmlарини жорий этиш муаммоларининг илмий ечимларини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusи билан “Хавфсиз пойтахт”, “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз туризм” аппарат-дастурний комплекси ишга туширилди. [4]

Ёшлар ва ўсмирлар томонидан жиноят содир этишнинг энг асосий сабабларидан бири, баъзи кишиларда маънавий онгнинг салбий ўзгариши натижасида ҳуқуқий онгда мавжуд бўлган камчиликлар ва криминоген мотивация билан боғлиқ ҳолда онгнинг ўзгаришига таъсир кўрсатишидир, яъни вояга етмаганларда ҳуқуққа хилоф бўлган хулқ аксарият ҳолатларда салбий таъсир туфайли вужудга келишидир. Шунингдек, катта ёшдаги шахслар томонидан вояга етмаганларни жиноий қилмишларга жалб этиш ҳолатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига заар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўплаб муҳим масалалар қатори ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ички ишлар вазирлиги томонидан бериб борилаётган ахборотлардан хulosा қиласиган бўлсақ, бугун ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сирасига – ўғирлик, талончилик, босқинчилик киради. Буларнинг эса тагзаминида мулкий манфаатдорлик ётади. Мулкий муаммоларни–бировларнинг бурнини қонатиш ҳисобига ҳал этишга интилиш эса кишининг маънавий қашшоқлигини англаради.

Мамлакатимизда жиноятчилик ва уни келтириб чиқарувчи шартшароитларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда ёшларнинг жиноятчилик йўлига ўтишларининг олдини олишга катта эътибор қаратиляпти. Тадқиқотлар натижасида ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий чораларини белгилаш ва ҳал этишда бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, ота-оналар томонидан фарзандларининг таълим муассасаларида таълим олишини педагогик назорат қилиш даражаси жуда суст. Шу билан бирга қишлоқ жойларида таълим муассасаларининг етарли эмаслиги, ёшлар (18-30 ёш) билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъуллик даражасини белгиловчи ва уларга мажбурият юкловчи қонун нормаларининг

ягона тизими мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир. Жамиятдаги барча ножўя ҳолатлар, жумладан, оиладаги нотинчлик, таълим муассасалари ишидаги ва бошқа соҳалардаги камчиликлар ёшларнинг нормал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш–бутун жамиятнинг вазифаси. Тадқиқотлар аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланишини кўрсатмоқда. Тарбияси оғир ўсмир – ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган шахсадир. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек, жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Агар жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашмаган субъектлари заарли таъсир манбаларини бартараф этиш чораларини ўз вақтида қўрмасалар, тарбияси оғир ўсмирлар педагогик ва ижтимоий бекарорликнинг навбатдаги босқичига ўтадилар. Агар ўсмир биринчи ноўрин ҳаракати (хуқуқбузарлиги) учун жазо олмаса, унда қонун талабларига беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одати ривожланади.

Ёшларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан хуқуқбузарлик содир этганидан кейин тушишлари улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги муҳим муаммолардан биридир. Ёшларнинг ғайриижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2018 йил 27 июнда имзоланган “Ёшлар–келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармон бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Фармон билан “Ёшлар–келажагимиз” жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тијорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжатга эътибор қаратилса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташабbusкорлигини комплекс ривожланириш вазифалари аниқ ва тизимли белгиланганини кўриш мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар микдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара

олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда Ўзбекистон раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Биринчи ташаббус–ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини оширишга, истеъодини юзага чиқаришга хизмат қиласиди.

Иккинчи ташаббус–ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус–аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус–хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Давлат раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиши билан қарши олиниб, қисқа вақт ичидан мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Келгусида реал ҳаётга кенг жорий этиладиган ушбу беш ташаббусга кўра, ҳудудлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолати кескин яхшиланади, ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча яна 1,5 мингта тўғарак ташкил этилади. Ҳатто энг чекка қишлоқлардаги маданият марказларида ҳам бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” фаолияти йўлга қўйилади.

Шунингдек, мамлакат миқёсидаги 12 мингдан зиёд спорт иншоотига ёшларни максимал даражада қамраб олиш чоралари кўрилиб, барча умумтаълим мактаблари спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланади. Шу билан бирга, олис ва чекка ҳудудларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан

кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қурилади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони янада кўпайтирилади. [5].

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларига ҳаётда ўз ўрниларини топишида, жиноят ва хукуқбузарлар содир этишларини олдини олиш, ёшларни ҳукуқий онг ва маданиятини юксалтиришда, ўқиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда барча шарт-шароиятлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 19.01.2022 йилдаги “Маҳаллаларда Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори билан “Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизmlарини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш каби усувор вазифалар белгиланди. [6]

Ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт тўгаракларига оммавий жалб этиш орқали ёшлар ўртасида соғлом турмш тарзини тарғиб қилиш борасида 11.04.2022 йилдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201-сон қарор билан маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва спорт иншоотларини замонавий спорт жихозлари билан таъминлаш, шунингдек, имконияти чекланган ёшлар учун тегишли спорт инфратузилмасини яратиш бўйича кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. [7]

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятларнинг давоми бўлиб “Ўзбекистон — 2030” Стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш иили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-37-сон Фармон қабул қилиниб, Фармонда 2024 йил 1 марта бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъододли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан “Ёшлар баланси” асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириктирилиб, уларга ҳар ойда камида бир маротаба ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама қўмаклашиб бориш ҳамда ўзларига бириктирилган ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш учун тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик билан

тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида йўналтиришга рухсат этилди. [8]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, ҳозирги пайтда ёшлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликлар ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажагини белгилайди. ёшлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жойларда умумий профилактикадан унумли фойдаланиш ва буларни юритишда ёшлар тарбиясига бевосита маъсул шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйилиши ижобий натижаларни беради. Бундан ташқари ёшлар томонидан содир этиладиган жиноят ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим, тарбия, якка тартибдаги профилактик тарбиявий ишларни юритишда уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиб ташкиллаштирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2022 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалқига мурожаатномаси.
2. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4 January 2023 йил, <http://www.newjournal.org/>
3. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик, 2-нашри, 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоялар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари// Тахир ҳайъати: Н.Каримов ва бошқа; Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва лугатни О.Тўлабоев тузган /Т.: “Маънавият”, 2006. – Б-37.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида Жамоат тартибини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар—келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида” 2018-йил 27-июндаги ПФ-5466-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ-201-сонли “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
8. “Ўзбекистон — 2030” Стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-37-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ёшлар — келажагимиз” давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида 962-сон Қарори.